«Туркистон вилоятининг газети»нинг учинчи нўмрасида «сарт» сўзи хакида ўшлик Мирзо Кодиржоннинг гофилона ва мутаассибона ёзгон бир маколасини ўкуб, таажжуб этдук. Бир-икки ой ичида «сарт» сўзи ва маъносина мутааллук «Вакт» хам «Шўро»да баъзи шайлар ёзилмиш эди.

Энди Кодиржон афанди «сарт» сўзи хакинда килингон эътирозлара рози бўлмай деюрки, «сарт» сўзи киши нафрат килгудек бўлмай, балки неча маънидор мукаррам сўзи сарга итлок килинурки, алардин бири подшохзода - тоза наслли - филўсуф демак ўлур». Бечора Кодиржон афандининг тарихдан ва миллият хиссидин заррача хиссаси йўк эмишки, ота-бобосидан мерос колгон турклик ва ўзбеклик номини кабул килмай, зохиран тумтарокли маъносига алдануб «сарт» исмини кабул этмишдур. Кодиржон афанди хам бошка одамлар билсунларки, биз туркистонлилар турк эдук. Хозирда хам туркмиз. Минбаъд хам турк исми ила коламиз. Агарда турклигимизга шубха этувчилар бўлса, очсунлар тарихимизни.

Бурунги кахрамон турк-ўзбек боболаримиз хозирда бархаёт бўлмасалар-да, аларнинг номлари ила дунёда килгон ишлари тарих сахифаларида тайин ва мусамматдур. Дуруст, бир неча китобларда «сарт» сўзи зикр бўлмишдур. Англашилдикина кўра, бу ном номаълум халк тарафидин Туркистондаги бир жамоа кабиланинг бўйинларига такилгон бир лакабдур. Ул лакаб ила биз умумтуркистонлилар туркликдин чикуб, сарт бўлмасмиз. Шунинг учун агар чиндики (сарт) сўзининг маъноси авлиёзода бўлсун, пайгамбарзода бўлсун, бизлар сартликни бўйнимизга такмасмиз. Шул сабабли Хўканд ёшларининг «сарт» хакида килгон «прутест» - эътирозлари хаклидур. Бизлар хам шул хусусда аларга кўшиламиз.

«Туркистон вилоятининг газети»,

1913 йил, 17 январь